



БУНДАН РОППА-РОСА 27 ЙИЛ АВВАЛ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЭДИ

Бу тарихий кунни ўзбек мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳ ўзининг “Йўлнома” китобида шундай эслайди:

«Мустақиллик Декларацияси

Май ва июн ойларида янги қурилган «Эрк» партиясининг жойлардаги тизимларини тузиш билан машғул бўлдик. Ташкилотнинг ижтимоий тамалидаги ўзак, худди «Бирлик»да бўлгани каби, зиёлилар эди. Шаҳарларда адабиёт, санъат ва илм аҳли, кишлоқларда эса ўқитувчилар ташкилотни ҳаракатга келтирувчи куч эди. Май ойининг охирида «Эрк» аъзолигига қабул қилинган одамлар сони, янглишмасам 5 мингдан ошган эди. Норасмий ташкилотлар ичида аъзоларга партия билетлари таҳсис қилиш, уларнинг адреси, иш жойи ва ҳоказо ишга тааллуқли билгиларни қайд этишни илк ўлароқ «Эрк» удумга киритди.

Бу – 155 ташкилотнинг маълум система ичида ҳаракат қилишини таъминлар ва ҳар бир қарори учун масъулитини оширар эди. Ақидамиз бўйича, лидер оломон орқасидан эмас,

оломон лидер орқасидан юрмоғи лозим эди. «Эрк» мухолифат ўлароқ оломонга лидерлик қилиш иддаоси билан майдонга чиққан экан, у оломоннинг инстинктлари билан иш кўролмайдди. У ўз программасида қабул қилинган ғояни қатъийлик билан ўзига эргашган инсонлар зехнига тадбиқ этмоғи лозим. Мухолифат – халқнинг шикоят ва дод-фарёди эмас, халқнинг шижоати ва сиёсий иродаси бўлмоғи керак.

Булар «Эрк» ташкилотининг яшаш тамойиллари эди. Биз буларни сўйлар экан, халқнинг бу сўзларни ҳазм қилиш ёки қилмаслигини ўйламасдик. Унинг демократияга тайёр ёки тайёр эмаслиги ҳам бизни кам қизиқтирарди. Социологик сўров ўтказишга на фурсат, на имкон бор эди, биз, аввал айтилганидек, интуитив шаклда атак-чечак олға силжир эдик.

«Бирлик»даги тотал эркинликдан сўнгра «Эрк»нинг жорий этгани нисбий интизом унинг ижтимоий базасини кенгайтиришга хизмат қилди. «Эрк» тузилган пайтда «бу ҳам навбатдаги норасмий» дея бурун жийирган давлат идоралари

секин-аста унга нисбатан юмшай бошлади, баъзи бюрократлар, яширинча, бу норасмий ташкилот аъзолигига ўтдилар. Олий Кенгашда ҳам «Эрк» тарафдорлари пайдо бўлди.

Бу факторларни ҳисобга олган ҳолда, ташкилот Ўзбекистоннинг «Мустақиллик декларацияси»ни тайёрлаб, Олий Кенгашнинг 20 июнда бўладиган навбатдаги сессиясига тақдим этиш ва уни сессия кун тартибига қўйиш учун фаолият бошлашга қарор қилди.

Декларацияни «Эрк» котиби Отаназар Ориф тайёрлади. Матнинг илк қораламасида биз Ғарб давлатлари тарихларида ўқиганимиз «мустақиллик декларация»ларининг ҳиди келиб турарди, биз бир оз таҳрир қилиб, «миллий заминга» мослаган бўлдик. Аммо «Ўзбекистон» калимасидан бошқа бутун сўз ва иборалар яна байналминал сиёсатда қабул қилинган терминалогия доирасидан чиқолганимиз эсимда. Матн қисқа тезислардан тузилиб, бир саҳифага жо бўлди.

Декларацияни Олий Кенгашга олиб борар экан, мен унинг қабул қилинишига, тўғриси, ишона олмаган эдим. Умр бўйи халқ ва озодлик сўзларини муқаддаслаштирган кимса, «халқ тўлқиндир, халқ денгиздир, халқ кучдир,» дея атрофдагиларни ишонтиришга уринган одам, бу сўзларга ўзим ишонмаётган эдим. «Халқ қорни тўйса бўлди, унга озодлик шарт эмас,» деган коммунистик ташвиқот менинг ишончимни ҳам маълум даражада заҳарлаганди.

Хужжатни «Ошкоралик Қўмитаси» бошлиғи Эркин Воҳидовга бердим ва кейин бу билан ҳеч машғул бўлмадим. Сессияга уч кун қолганди, уч кун ичида Олий Кенгашдаги бутун Қўмиталар бу хужжат билан, норасмий бўлса-да, танишиб улгурганди. Сессия кун тартибини бир кун аввал белгилаётган Ҳайъат «Декларация»ни кун тартибига киритмади. Аммо депутатлар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўз ораларида бу ҳужжатни қўллайдиганларнинг рўйхатини туза бошлагандилар.

Янглишмасам, 170 га яқин миллатвакили «Декларация»ни Сессия кун тартибига қўйишга чорлаб, Олий Кенгаш ҳайъатига таклиф киритди. Сессия 20 июн куни ўз ишини бошлади. Декларация матни кўпайтирилиб, бутун депутатларга тарқатилганди. Бунда Ошкоралик Кўмитаси депутатлари ва яна бошқа ташаббускорларнинг хизмати катта бўлди. 170га миллатвакилининг Декларацияни кун тартибига киритиш таклифи қабул қилинди.

Бу катта воқеа эди. Декларация овоз ололмаса ҳам, унинг овозга қўйилиши катта воқеа эди. У пайтлар, дорилмон пайтлар, Олий Кенгашда кўтарилган масалалар телевидениада қайчиланиб бўлса-да, халққа кўрсатиларди. Бу ғоя пропояндаси учун жуда муҳим эди. Декларацияни Олий Кенгашга тақдим қиларкан, кутилган максимум манфаат ҳам шу эди. Биз ундан ортиғига умид қилмагандик, аммо ундан ортиғи юз берди. 20 июн 1990 йил Тошкентда, Ўзбекистон Олий Кенгаши Сессиясида Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси кўпчилик овоз билан қабул этилди. У пайтларда электроник ҳисоблама йўқ эди, қўл кўтариш усули билан овоз бериларди. Шу туфайли ҳатто руслар ҳам Ўзбекистон мустақиллиги учун овоз бериб юборди.

Ёнида ўтирган ўзбеклардан андиша қилгани учун ёки улар овоз бермаса ҳам декларация ўтишини билганлари учун овоз беришди. Кенгаш раиси Йўлдошев Декларациянинг қабул қилинганини эълон қилганда депутатлар ўрнидан туриб, узок давом этган қарсақлар билан ўзларини ўзлари олқишладилар. Ўзбекистон Компартиясининг биринчи Секретари Ислоҳ Каримов Декларацияни қабул қилмаслик учун ҳаракат қилиб кўрди, аммо миллатвакиллари вакилининг вазоҳатини кўриб, очик қарши чиқишга журъат қилмади. Декларация муҳокамаси пайтида Каримов ўз ўринбосари Шукрулло Мирсаидовни минбарга чиқариб, унинг воситасида Декларацияни танқид қилди. Мирсаидов Декларация матнини ҳавода силкитиб, «бу бир парча қоғоз» дея залга мурожаат

қилганда, миллатвакиллари қаттиқ реакция кўрсатишди.

Вазиятнинг тахмин қилинганидан мураккаброқ эканини тушунган ҳукумат Декларацияни овозга қўйишга мажбур бўлди ва лекин унинг қабул қилинишини ҳукумат ҳам кутмаганди. Шунда Декларациянинг баъзи жузъий таҳрирталаб ерлари бор, деган баҳонада Таҳрир комиссияси тузилди. Таҳрирдан кейин, сўнгги қабул қилинган вариант Кенгашга ўқиб берилиши келишилди. Таҳрир комиссияси аъзолари «таҳрир» қилиш учун кулис орқасига ўтишди. Сессия бошқа масалаларни кўришда давом этди. Вақт ўтаётганди, аммо «таҳрирчи»лар хануз чиқишмаганди.

Мен бир оз безовта бўлдим. Ҳукумат ҳужжатни ўзларича таҳрир қилиб, Кенгашга ўқимай, эртасига эълон қилиши мумкин эди. Шуларни ўйларкан, кулис орқасига чақиришди. Бордим. Кичик залда Шукрулло Мирсаидов билан Ефимов (Ўзбекистон Компартиясининг иккичи секретари) ўтиришарди. Олдларида Деларация матни. Сал нариорқда икки-учта депутат гаплашиб туришарди. Эркин Воҳидов билан Нурали Қобил экан.

Шукрулло Мирсаидов Декларация матни ҳақида фикримни сўради. Кенгашга тақдим қилинган вариант бизни қониктиришини айтдим. Бўлмаса, шуни бирга таҳрир қилайлик дея, матнни менга узатди. Янги илова қилинган сўз ва иборалар ҳужжат мазмунини деярли ўзгартирмаганди, аммо унга бир жумла илова қилинган эди-ки, муҳолифат буни ҳеч қабул қилолмасди. Матн сўнггида:

«Ўзбекистан свои отношение с другими республиками будет строить на основе Союзного Договора», деб ёзилганди.

Ўша даврда Совет ҳукумати Империянинг парчаланиш хавфини сезиб, республикаларга баъзи ҳуқуқлар бериш тактикасини ишга солган ва «Союзный Договор» деган ғояни ўйлаб чиқарганди. Бу амалда ўша эски иттифоқ статусини сақлаб қоладиган бир Шартнома бўлиши керак эди.

Мен бир миллатвакили сифатида ҳам, муҳолифат вакили сифатида ҳам сўнгги жумлани ҳужжатга киритишга қаршиман, дедим. Декларация Олий Кенгаш тарафидан қабул қилинди, уни ўзгартиришга ҳаққингиз йўқ, дедим. Нукта, вергули бўлиши мумкин,

аммо мазмунини ўзгартиришга ҳеч кимнинг, Каримовнинг ҳам ҳаққи йўқ, дедим.

Ўша пайтда, худди эшитиб тургандай, Каримовнинг ўзи пайдо бўлди. Кулиб, ёнимизга келди.

– Яна жанжал қилаяпсизми, – деди илжайиб.

Матн шундай ўзгартириладиган бўлса, ҳозир залга кириб, халқ вакиллари вакилининг тасдиқлаган ҳужжати ўзгартирилаяпти, деб эълон қилишга мажбур бўламан, дедим.

– Хўп, шу жумлани олиб ташласа хурсанд бўласизми, ахир? – деди Каримов.

– Фақат мен эмас, халқ хурсанд бўлади, – дедим.

– Шуни ҳал қилинлар, – деди у Мирсаидовга ва Кенгаш залига чиқиб кетди.

Каримов кетгандан кейин Мирсаидов юзида сўроқ ифодаси билан Ефимовга қаради. Ефимов агар «Союзный Договор» ҳужжатга киритилмаса, катта жанжал бўлади, деди. Мирсаидов икки ўтнинг орасида қолганди. Бу кишининг табиати юмшоқ, аммо керак бўлса, чапанилик ҳам қилиб юборадиган одати бор эди.

Аммо Декларациядаги Ефимовнинг «ижоди» бўлган сўнгги жумлани олиб ташлаш учун фақат чапаниликнинг ўзи етмаслиги кўриниб турарди.

Матн устида тортишаркан, Ефимов овозини баландлатиб гапира бошлади. Мен унга кўпол қилиб, «бу ишга, яхшиси, аралашманг», дедим. Хўп, бўпти, деди Ефимов ва тўрсайиб ўрнидан турди.

Мирсаидов ён босиб турганди, Ефимов кетгандан кейин «нимани олсангиз олинг», деб матнни узатди. Матндаги сўнгги жумланинг устига чизиб, унга қайтардим. Машинакага бераверамиз, деди ва бир йигитни чақириб, матнни унга топширди. Ўша пайт залнинг бурчагида жойлашган телефондан Ефимовнинг Москвага телефон қилаётганини кўрдик.

У баланд овозда, балки, атай бизни эшитсин деб, марказга шикоят қиларди. «Вы не представляете, что здесь творится», дерди у Москвадаги шефларини уйғотишга ҳаракат қилиб.

«Шеф»лар-ку уйғонганди, аммо кеч уйғонишганди. Ўзбекистонда қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси» Москва учун

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

янгилик эмасди. Баҳорда шундай бир «Декларация»ни Литва жумҳурияти ҳам эълон қилганди. Гап, Мирсаидов айтгандай, қабул қилинган «бир парча қоғоз»да эмас, балки, балки бу «қоғоз»ни қабул қилган миллатвакиллари, халқ иродаси маҳсули бўлмиш бу ҳужжатни нақадар ҳимоя қила олишида эди.

1991 йил март ойида Совет Иттифоқини саклаб қолиш учун ўтказилган Референдумдан Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримовнинг бу «халқ иродаси»ни бир чақага олмаслиги маълум бўлганди. Халқ сайлаган миллатвакиллари ҳам ўзлари қабул қилган Мустақиллик Декларациясини ҳимоя қилаолмагандилар.

Совет Иттифоқи йиқилиб, Ўзбекистон мустақил бўлишга мажбур бўлганидан кейин, Ислон Каримовнинг лаганбардорлари «ҳатто ўша 20 июн Декларацияси ҳам, Каримов истамаса, қабул қилинмасди,» дейишади. Ҳолбуки, Декларацияни Каримов қабул қилмади, Декларацияга овоз берилаётганда у Кенгаш залига кирмади, ташқарида қочиб юрди. Кейин, Декларация деярли бир овоздан қабул қилинганидан саросимага тушган Каримов, буни Ўзбекистон матбуоти, радио-телевидениесидан эълон қилишни таъқиклади. Ўзи Мирсаидов билан Фарғона водийсига кетди.

Декларация қабул қилинган куни, 20 июн саот саккизда мен уйда ўтириб, Ўзбекистон ТВсидан бу муҳим воқеа тўғрисида хабар кутдим. Москва қиска хабар берди, аммо Тошкент бермади. Мирсаидовга телефон қилдим. Унинг Каримов билан Фарғонага кетишганини, у ердан Қирғизистонга ўтишажагини айтдилар. Тошкент Компартия бўлими котиби Адҳам Фозилбековни машинасидаги телефон орқали топдим. (Фозилбеков у пайтларда ҳукуматга энг яқин одамлардан эди).

Олий Кенгашда қабул қилинган ҳужжат ҳақида хабар йўқлигига у ҳам ҳайрон бўлганини айтди. Мен унга «илтимос, Каримовга етказинг, агар Декларация эртага матбуотда эълон қилинмаса, биз Тошкент марказида кўпмингкишилик митинг уюштирамиз», дедим. Фозилбеков бу гапни Каримовга етказажagini айтди.

Соат ўнларда телефон жиринглади. Мирсаидов экан. Илтимос, шовқин қилмай туринглар, бу аблаҳ Ефимовнинг иши бўлса керак, ҳаммасини халқ қиламиз, деди ва, мана, Ислон аканинг ўзи гаплашмоқчи, деб, трубкани Каримовга берди. Каримов, биз эртага кечкурун қайтаямиз, батафсил гаплашамиз бу масалани, деди. Гаплашадиган ҳеч гап йўқ, бутун дунё кўрди, Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларациясини қабул қилди, бу ҳақда Москва хабар берди, бизникилар эса жим, дедим. Эртага эрталаб хабар чиқмаса, биз кўчага чиқамиз, дея таҳдидни такрорладим. Каримов эртага тушдан кейин телевидениеда хабар берилажагини ваъда қилди. Нега «тушдан кейин»лигини англамадим.

Балки, Каримов Москвадан кетган хабарнинг реакциясини кутиб, шунга кўра ҳаракат қилишни ўйлаган бўлиши мумкин.

Ҳар ҳолда, 21 июн куни тушдан кейин Олий Кенгаш қабул қилган Ўзбекистон Мустақиллиги Декларацияси муҳокамаси ва унга овоз бериш жараёни ёзиб олинган телевизион кўрсатувини ТВ намойиш қила бошлади. Лекин матбуотда икки кун кечикиб чиққан Декларациянинг номи «Декларация о независимости Узбекистана» ўрнига «Декларация о суверенитете Узбекистана,» деб хоинларча ўзгартирилганди. Зотан, СССР конституциясида барча совет жумҳуриятлари шундоқ ҳам «суверен» ҳисобланардилар.

Лекин ўзбек халқи ўзи танлаган вакиллари воситасида 1990 йил 20 куни Ўзбекистоннинг мустақиллик Декларациясини қабул қилганди. Декларация мазмунини ўзгартириб, уни «бир парча қозоз»га айлантирганлар тарих олдида кечириб бўлмас жиноят ишладилар.
“Йўлнома” 154-160-бетлар, Истанбул-2013.

1990 йил 20 июн куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган Ўзбекистон мустақиллик Декларацияси матни

**МУСТАҚИЛЛИК
ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши:

Ўзбек халқининг давлатчиликдаги тарихий тажрибасига, кўпасрлик маданий меросига, маънавий қадриятларига ва бой анъаналарига, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига таяниб, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсадлар ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий жавобгарликни чуқур ҳис қилган ҳолда, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат Мустақиллигини тантанали эълон қилади.

1. ЎзССР Давлат Суверенитети ўз ҳудудининг барча таркибий қисмларида ЎзССР давлатининг устунлигидан ва барча ташқи мулоқотларда унинг мустақиллигидан иборат.

2. ЎзССР давлат ҳудудининг таркиби ЎзССРнинг демаркация қилинган давлат чегараси билан белгиланган қуруқлик, ерости, сув ва ҳаводан иборат. ЎзССРнинг давлат ҳудуди ва давлат чегараси дахлсиздир ва халқнинг референдум йўли билан ифодаланган розилигисиз улар ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. ЎзССР давлат ҳокимияти унинг ҳудудига қирадиган барча таркибий қисмлари устидан амалга оширилади в а шу ҳудуд ичида бўлган ҳар бир шахс унинг тасарруфидадир.

4. ЎзССР Конституцияси ва ЎзССР қонунлари ЎзССР ҳудуди ичида мутлоқ қучга эгадир. Жумҳурият суверенитетига зид бўлган ССР Иттифоқи қонунлари ЎзССР Олий Совети томонидан жумҳурият ичида тўхтатиб қўйилади.

5. ЎзССР давлат ҳокимияти қарамоғига ЎзССР ташқи сиёсати ва унинг бошқа давлатлар билан алоқасига тегишли барча масалалар қиради.

6. ЎзССРнинг Давлат Суверенитети халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олиш ва ҳурмат қилишни, халқаро-ҳуқуқ муносабатларида демократик асосда қатнашиши ва дипломатия фаолиятини амалга оширишини кўзда тутади.

7. ЎзССРнинг давлат ҳокимияти ЎзССРнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатлари принципларини белгилайди ва унинг ташқи иқтисодий

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

алоқаларини бошқаради.

8. ЎзССРнинг Давлат Мустақиллиги умумхалқ ҳокимиятини рўёбга чиқариш, ўз тараққиётини ўзи таъминлайдиган демократик давлат қуришнинг табиий ва зарур шартидир.

9. ЎзССРнинг Давлат Мустақиллиги фукарлар, сиёсий партиялар, жамоа ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар ва диний ташкилотларнинг давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда уларнинг тенг ҳуқуқий имкониятларини рўёбга

чиқаришнинг зарур шартидир.

10. ЎзССР давлат ҳокимияти фақат демократик асосда ЎзССРнинг қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлинади, улар ўз функцияларини ЎзССР халқининг манфаат ва эҳтиёжидан келиб чиқиб бажаради, миллатларнинг ва элатларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлайди. Шунингдек, озчиликни ташкил қилган гуруҳлар ўз фикри ва манфаатларини химоя қилиши учун имконият яратиб беради.

11. ЎзССРнинг қонунчилик ҳокимияти ЎзССР Давлат

Мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, ЎзССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркиби ва қурилишини белгилайди.

12. Мазкур Декларация ЎзССРнинг янги Конституциясига ва ЎзССР қонунчилигини мукамаллаштиришга асосдир.

*Ўзбекистон ССР Олий
Советининг
иккинчи сессиясида қабул
қилинди.*

Тошкент шаҳри 1990 йил 20 июн

Ўзбекистонда тез орада валюта айирбошлашни эркинлаштириш борасида ҳукумат доирасида гап-сўзлар ортидан унинг қандай бўлиши мумкинлиги борасида экспертлар фикр билдирмоқда.

Молиявий таҳлилчи Александр Давлетов Uz24.uz нашрига берган таҳлилида эркин сузиб юривчи курс тарафдори сифатида конвертация очилса бир доллар 10500 сўмдан сотила бошлаши мумкинлигини тахмин қилган.

“Ҳозирда Президентда жуда юқори ишонч рейтинг бор, жамият исталган ўзгаришларни қабул қилади, сабаби ислохотларни истади. Қўшимчасига Марказий банк янги раҳбариятида ҳаракатларнинг тўлиқ эркинлиги бор, яъни, ухечқандай шартлилик, келишувлар ва аввалги раҳбарият мажбуриятлари билан чекланмаган. Эркин конвертацияга ўтишнинг қандай аниқ сценарийси танланади, айтиш мушкул – бу ҳукумат томонидан кўйилган вазифалар ва ўтиш даври вақтида ҳаракатлардаги устувор жихатларга боғлиқ”, – дейди мутахассис.

Давлетов эркин сузиб юривчи курс тарафдори сифатида, бошланишига “шок терапияси” усули қўлланилиши кераклигин айтиди. Устувор вазифалар эса олтин-валюта захиралари ва ижобий савдо балансини сақлаб қолиш бўлиши керак. Яъни курсни ушлаб туришга бир цент



Конвертация очилса 1 доллар 10 минг сўм бўладими?

ҳам сарфлаш керак эмас.

“Эркин тушиш жараёнига, сўм энг туби ёки қарама-қарши нуқтага етмагунча аралашин керак эмас, у реал ижобий савдо балансини таъминлаб беради. Албатта, бундай сценарийда макроиктисодий кўрсаткичлар жабр кўради: ЯИМ ўсиши секинлашади ёки ҳаттоки тўхтади, инфляция ва ишсизлик даражаси икки сонли рақамга етади. Бироқ иқтисодиётни соғломлаштириш ва ортиқча нарсалардан тозалаш учун у бундан ўтиши керак”, деб ҳисоблайди у.

Мутахассис конвертация очилган тақдирда эркин бошланғич курс бир доллар учун 10 500 сўмдан, бозор иштирокчилари учун ҳеч қандай чекловларсиз очилиши кераклигини таъкидлайди.

Бундай сценарийда валюта бозори хотиржам ҳолатга келади, сармоядорларнинг унга ишончи пайдо бўлади, кейинги ўзгаришлар учун янги пойдевор ташкил этилади.

Давлетов воқеалар ривожини у тахмин қилган ҳолда кетса 2017 йилнинг охирига бориб сўм курси аста-секинлик билан мустаҳкамланиши, эҳтимол, у бир доллар учун 7,500-8 000 сўм даражасида бўлиши ҳақида айтган.

Ўзбекистон айрим юқори мартабали расмийлар Ўзбекистонда валюта бозорини либераллаштириш кераклигини айта бошлашган.

Қузатувчилар ушбу ўзгаришлар шу йилдан қолмасдан амалга ошишини таъкидлашмоқда.

Манба: Би-би-си Ўзбек



МУҲАММАД СОЛИҲ: ТЕМУР ҲАМ БОЯЗИД ҲАМ БИЗНИНГ АЖДОДИМИЗДИР

(Давоми. Боши ушбу –
“Туркашнинг Туркчи сиймоси
шууримга ерлашти”))

Сургундаги муҳолифат
лидери, ёзувчи, шоир Муҳаммад
Солиҳ YeniBirlik газетасига
берган интервьюсида, 1918 йил
Кўкон Мухторияти (Туркистон
Жумхурияти)да Лениннинг
амри билан, Армани Дошноқлар
ёрдамида 3 кун ичида маҳаллий
аҳолидан 35 минг кишининг
ўлдирилганлигини, тирик қолган
лидерларнинг эса Совет режими
томонидан 1937 йилда оммавий
тарзда қатл этилганини ва уларнинг
ҳаммаси Турончи бўлганини
хотирлатти.

Асли Туркистонлик бўлган
мусулмон Турк жўғрофиясида,
асирликда бўлган Турк
халқларининг озодлиги учун кураши
билан танилган Муҳаммад Солиҳ,
ҳозирги Турк давлатларининг
ҳали мустақилликка эришмасидан
аввал Русларнинг уларни Турк
тушунчасидан узоклаштириш
учун катта куч сарфлаганини
таъкидлади. Солиҳ, Русларнинг
у замонлар ҳокимияти остида
бўлган Туркларга Темурни золим
ва мустабид ўлароқ танитганини,
Зиё Кўкалпнинг асарларини эса
ўзларига кўра талқин қилиб, уни
қоралаш учун қўлланганликларини
айтди.

Тарик Челенк: Хўш Турк
адабиёти ва Турк ёзувчилари билан
бир муносабатингиз бор эдими ўша
вақтда?

Муҳаммад Солиҳ: Нозим
Ҳикматни севардик. Нозим Ҳикмат
ва яна бир неча ёзувчилар (Азиз
Несин, Саид Фоиқ ва бошқалар)

бор эди. Совет нашриётларида
китоблари чоп қилинган, биз
шуларни ўқирдик. Нозим биз учун
бир Туркчи эди. Чунки ҳар шеърда
«Турк» дерди. Бир Туркнинг
Туркчи бўлмаслигини тасаввур
қилолмасдик. Нозим Ҳикматнинг
комунист эканлигини ҳам билардик,
аммо биз учун бу бир расмий
ниқобдан бошқа ҳеч бир нарсани
англамасдик. Нозим биз учун буюк
Турк шоири эди. Унинг Туркиядаги
идеологик курашидан хабаримиз
йўқ эди. Бўлган тақдирда ҳам бу
унинг шоирлигига соя солалмасдик.

Ва албатта Азиз Несин ҳам бор
эди. У ҳам энг камида Нозим каби
машхур эди Совет иттифокида.

Тарик Челенк: У ҳам Совет
тузуми руҳсат берган ёзувчилардан.
Зиё Кўкалпни масалан мумкин
эмасди?

Муҳаммад Солиҳ: Зиё
Кўкалп бизга душман сифатида
танитилганди. Зиё Кўкалп ҳақида
руслар ёзар эди. Зиё Кўкалп
Русларнинг талқинида Пантуркист
ва иркчи эди. Руслар Кўкалпни
қоралаш учун унинг асарларидан
парчалар олиб, уларни ўзларига
кўра талқин қилардилар. Биз ҳам
бу парчаларни олиб ўзимизга яқин
дўстларга тарқатардик.

Тарик Челенк: Юсуф Оқчура,
Исмоил Гаспирали ...

Муҳаммад Солиҳ: Улар у қадар
машхур эмасди. Зиё Кўкалп Руслар
эътиборидаги исм бўлгани учун кўп
талқин қилинарди, гапириларди,
биз ҳам унга йўналдик.

Тарик Челенк: Туркчиликни
бир оқим сифатида билармидингиз
у даврда?

Маҳуммад Солиҳ: Оқим ўлароқ

билмасдим. 1971-1972 йилларни
назарда тутаяпман. 1975 йилда
Туркияда бир Туркчилик оқими
борлигини билдим.

Тарик Челенк: Турончилик
масаласида билгингиз бормиди?

Муҳаммад Солиҳ: Турончилик
масаласида билгимиз бор эди.
Бизнинг жаҳидчилар (Фитрат,
Чўлпон, Бехбудий ва бошқалар)
1910 йилдан бошлаб, балки Туркия
пантуркистлари таъсири остида,
бир Турон хаёлини куришни
бошлагандилар.

Жаҳидлар 1918 йилда
Кўкон Мухторияти (Туркистон
Жумхурияти)ни қурдилар.

Россияда Чорлик ҳукуматини
ағдарган 1917 йил феврал инқилоби
Туркистонда миллий кучларни
ҳаракатга келтирди ва Кўкон
Мухторияти қурилди.

Фақат бу бир мустақил давлат
бўлган Мухторият икки ойча
яшай олди. 1918 йилнинг Феврал
ойида Лениннинг амри билан
болшевиклар армияси маҳаллий
Армани Дошноқлари ёрдамида
Кўкон халқига қарши қатлиом
бошлади ва 3 кун ичида маҳаллий
аҳолидан 35 минг киши ўлдирилди.

Шу тариқа Жаҳидлар ҳаракати
ҳалоқатли бир зарба олди. Бу
ҳаракатнинг лидерлари Совет
тузуми тарафидан 1937 йилда
оммавий тарзда қатл этилди.

Уларнинг барчаси Турончи эди.

Тарик Челенк: Генерал Анвар
Пошшони билармидингиз, қачон
билдингиз у ҳақда ...

Муҳаммад Солиҳ: Анвар
Пошшони 1970-йиллар бошларида
билар эдик. Бу ерда “босмачилар”
сафида жанг қилган бир Туркия
Турки, бир қахрамони эканлигини
ва бизнинг тупроқларда шаҳид
бўлганини билардик. Аммо чуқур
билгимиз йўқ эди.

Тарик Челенк: Халқ ва инсонлар
одатда Совет тузумига қарамай
Анвар Пошшони севардилар яъни..

Муҳаммад Солиҳ: Ҳа, бизнинг
авлод балки у даражада яхши
билмас эди, чунки бу биз учун
таққиланган бир мавзу эди, аммо
одатда халқ Анвар Пошшони
қахрамон сифатида танирди.

Тарик Челенк: Хўш сиз
Ўзбек ёшларидан бири сифатида

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Темур ҳақида қачон маълумот ололдингиз?

Мухаммад Солиҳ: 1970-йиллар ўрталарида илк маротаба “Темур тузуклари”ни топдим. Ёзув машинасида ёзилган ва кўпайтирилган нусхаси эди.

Тарик Челенк: Тақиқланмагани, шундайми?

Мухаммад Солиҳ: Миллатчилик қандай тақиқланган бўлса, «тузуклар» ҳам шундай тақиқланди. У замонлар Темур Русларнинг талқинида золим ва мустабид эди, бизга шундай ўргатаётган эди Руслар тайёрлаган тарих китоблари.

Тарик Челенк: Усмонли тарихидан Йилдирим Боязидни қачон танидингиз?

Мухаммад Солиҳ: Йилдирим Боязидни анча кейин танидим, 1976-77 йилларда. У даврда Москвадаги Олий Адабиёт курсларида ўқирдим. Бу мактаб профессионал ёзувчилар мактаби эди. У ерда Ўрта Осиё Турклари ва Онадўли Туркларининг тарихини ўрганиш имконига эга бўлдим. Йилдирим Боязид ҳақида биринчи маротаба ўша ерда ўқий олдим. Яъни уни жуда кеч танидим.

Сўнгра 1985-1986 йилларда янада яқиндан ўрганишни бошладим. 1986-йил Тошкентда Дунё Туркология конгресси бўлиб ўтди. Бу буюк бир машварат эди. Бу мажлисда янглишмасам 7-8 кишилик Турк хайъати иштирок этди. Бу хайъатда Профессор доктор Аҳмад Бижоң Эржуласин ҳам бор эди. Бу гуруҳ Ўзбекистонга илк келган Турк хайъати эди. Улар бизга кўп китоблар олиб келдилар, соғ бўлсинлар.

Тарик Челенк: Хўш, масалан сиз каби кишилар Темурни таниганларидан кейин ёки Йилдирим билан жанглари билганларидан сўнг Туркияга боқиши позитив тарафга ўзгардим, негатив тарафгами?

Мухаммад Солиҳ: Зотан бизнинг Туркчи «ҳаракат»имиз, (ҳаракат дер эканман унинг 10-15 кишидан кўп бўлмаган бир гуруҳ ҳақида гапираяпман) ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, таниқли инсонлардан иборат эди, Туркиянинг Миллятчи Ҳаракат партияси (МНР) каби катта бир ташкилот эмасди албатта.

Боязитга муносабатимиз позитив эди албатта. Тарихий шуурга соҳиб бир Турк зиёлиси – хоҳ Ўзбек

Турки, хоҳ Онадўли Турки бўлсин – на Темурга, на-да Боязидга нафрат билан боқади. Иккисида бизнинг аждодларимиз, бири Шарқда, иккинчиси Ғарбда жанг қилган икки буюк Турк эди. Ҳар иккисининг ҳам ўз ҳудудларида тенги йўқ эди.

Бундай бир ҳолатда уларнинг ўртасидаги ихтилофнинг манбаси расмий ҳужжатларда қайд қилингани каби эмас албатта.

Икки катта куч бор эди. Яъни ҳатто булар ака-ука бўлсалар ҳам ораларида жанг бўлиши муқаррар эди. Ота ўғил бўлган тақдирда ҳам барибир жанг қилишарди.

Ва жанг қилдилар!

Тарик Челенк: Сизнинг суҳбатингизда ер олган бир таърифингиз бор эди. Темур кўпроқ универсал характер, Йилдирим эса кўпроқ миллий характер сифатида танилган деган эдингиз.

Мухаммад Солиҳ: Турк ирқининг характерида икки мойиллик бор; космополитизм ва индивидуализм. Темур космополит эди, яъни характеридаги космополитизм ҳоким руҳ эди. Темур бутун дунёга “менга ишонинг, мен сизни бахтли қиламан” дер эди.

Фақат Темур эмас, барча Турк ирқиди космополитизм руҳи ҳоким руҳдир. Биз бошқа этник гуруҳларга жуда осон аралашиб кетадиган, аралашибга мойил, ҳатто улар билан ассимиляция бўлиб, бундан кўп ҳам хафа бўлмайдиган ғаройиб миллатимиз..

Бизнинг ичимизда ирқчилик йўқ, шу сабаб биз феноменал бир миллатимиз.

Турк характеридаги космополитизмни Темур намоён қилди. Турк характеридаги индивидуализмни эса Йилдирим намоён қилди.

Тарик Челенк: Масалан ҳозир 1980 йилларга қараб кетаяпмиз. 1976 йилда у ерда босим даври бор эдими, 1980 йилларга қараб кетаркан ёшлигингизда кўрган бўлсангиз Совет тузумида, Ўзбек тузумида бир босим бор эдими?

Мухаммад Солиҳ: Босим ҳам доим бор эди. Аммо ғалати бир нарса, босим қарамай бир озодлик руҳи бор эди инсонларда. Барчасига қарамай КГБнинг ертўлалардаги қийноқларидан хабардор эдик, бироқ барибир озод бир руҳий ҳолимиз бор эди.

Кичик бир гуруҳ ёшлар ҳар нарса ҳақида гаплаша олардик ўз ораимизда. Советларнинг Коммунист

партияси лидери Брежнев масхара қилувчи пародиялар, кинояли шеърлар ёзардик. Менимча бу фаолиятимизни КГБ “бу тирранчалар нима ҳам қила оларди”, дея бизни жиддий қабул қилмадилар.

Тарик Челенк: 1980-йилларга тўғри кетаркан Совет тузумининг бирдан чўкиши мумкинлигини олдин кўрабларимизнингиз?

Мухаммад Солиҳ: Мен буни рационал тахмин қилолмасдим, аммо иррационал тахмин қилолардим, ҳис қилолардим. Виктор Соснора деган менинг шеърларимни Русчага таржима қилган бир диссидент шоир бор эди. Коммунистлардан нафрат қилган жуда буюк бир шоир, Санкт-Петербурглик, билишимча, у ҳали ҳаёт. У билан Тошкентни сайр қилаётгандик. Тошкентнинг марказида Ленинг майдони бор эди. Албатта, Лениннинг ҳайкали турарди бу тош майдонда. “ИншаОллоҳ биз бу ҳайкалнинг йиқирилиши кўраимиз” дедим тўсатдан. “Кўраимизми?” деб сўради Рус шоири.

“Кўраимиз. Аммо бу оғир ҳайкал ерга тушиб, шу гўзал мрамрларни парчалайди-да” деб ҳазил қилдим. Бу ҳазилни 1981 йилда қилаяпман. Ва 10 йил ўтар-ўтмас айтганим ҳақиқатга айланаяпти. Ҳайкал 1991 йилда йиқилаяпти, Ўзбекистон мустақилликка эришяпти.

Тарик Челенк: Тузум чўқаркан сиз сиёсат ёки фуқаролик жамиятига қачон кирдингиз. Тузум чўкишни бошлаганида 1980-йиллар ёки Совет чўққанидан кейин кирдингизми?

Мухаммад Солиҳ: мен актив сиёсатга 1985-йилда кирдим. Горбачев ҳукуматга келишидан олдин кирдим, янада тўғрироғи киришга мажбур бўлдим. Чунки сиёсатни ҳеч ёқтирмадим. Аполитик инсон эдим у вақтлар.

Тарик Челенк: Шунингдек асарларингиз ҳам бор тўғрими?

Мухаммад Солиҳ: Мен шоирман. 70-йилларда Ўзбек модерн шеърятининг вакиллари эдик. Метафористик шеър намоёндалари эдик. 1970-йилларда бошлаб 1985-йилга қадар 15 йил ичида шакланган ва ўзини бир шоир сифатида тамомлаган бир инсон эдим. 1986-йилдан кейин шеърдан узоқлашдим, ёки узоқлашишга мажбур бўлдим. Сиёсат, мен севмаган сиёсат мени

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

гирдобига тортди.

Тарик Челенк: Советларнинг Афғонистонни ишғол қилиши сизда бир ижтимоий таъсир уйғотдими 1979 йилда?

Мухаммад Солиҳ: Табиий, таъсир қилди. Ҳатто Советларнинг Афғонистон ишғолига қарши метафористик шеърлар ёздим. Рамзий шеърлар.

Тарик Челенк: Исломиёки мусулмон бўлиш билгиси қачон шакллана бошлади. Советларнинг Афғонистонни ишғол қилганидан кейин бошландими?

Мухаммад Солиҳ: Менинг Афғонистонга қаршим Исломиёки фактордан эмас, озодлик ҳақидаги тушунчаларим билан боғлиқ эди.

Бир халқнинг ишғолчига қарши курашиши доирасида қабул қилар эдим ҳолатни.

Ислом менга илк маротаба 1985-йилда сироят этди. У даврда мен учун ҳамма нарса яхши эди гўё. Яъни, 1985-йилда мен 35 ёшларда машхур бир шоир эдим. Ҳамма Мухаммад Солиҳни танирди. Ҳатто Москвада ҳам танишарди, муаммо йўқ эди. Шеъримизнинг ҳар сатрига яхши пул тўлашарди. Гонорар, муаллифлик ҳаққи яъни. Бой эмасдик, аммо топаётган пулимиз бизга етарди. Гўё тақдиримиздан мамнун эдик. Динга муносабатим ҳам бир хурриятчи боқиш эди.

Аслида 70-йилларнинг бу бөгем ҳаётидан ботинан жуда зериккандим. Ўша давр хотираларимдан бир парча келтирмоқчиман:

«Шеър менинг тарбиячим эди. Аммо у таянч нуқтаси эмас эди. Эл қатори, мен ҳам бир таянч нуқтасига муҳтож эдим. Чунки, эл қатори мен ҳам адашганлардан бири эдим.

...Эҳтирос камчиси остида дир-дир Титраётган туядай, тушов оёқда, Юришга мажбурмиз, юромққа мажбур, Билмай, мағриб қайда, машриқ қаёқда. («Адашганлар кўшиғи», 1983)

Бу изтироб худди қадимги юнон файласуфи Пармениднинг изтиробига менғзар эди. Парменид шундай нола қиларди: «Эй, худолар, мен сиздан ҳеч нарса сўрамайман, менга фақат битта Собитлик беринг. Бу тинмай ўзгараётган, ҳар турли рангларда товланаётган беқарорлик денгизда менинг ёпишиб олишим учун бир оғоч – бир барқарорлик, бир собитлик беринг!», деб ёлворарди шўрлик. Лекин унинг нолалари беҳуда эди, чунки, у собитликни Оллоҳдан эмас, худолардан сўраётган эди. Парменид политеизм (кўпхудолилик) замоннинг қурбони эди. Аммо ўзи англамаган ҳолда, Оллоҳни, бутун оламларни яратган ягона Оллоҳни – ягона таянчни излаётган эди.

Бундай таянчни совет даврида ўз динидан узоқлаштирилган одамлар ҳам излай бошладилар. Менга ўхшаганлар учун шеър бу изланишда воситачи эди. Шеър изланиш изтиробидан чарчамаслик учун бир танаффус эди. Шеър ташқарисида чексиз, юракни орзиқтириб юборувчи бўшлиқ бор эди. Бу бўшлиқ бизнинг жондан севган дунёмиз эди. Жозибаси кўркинчли дунё”...

Бу бўшлиқни фақат бир буюк ишонч, бир мустаҳкам эътиқод тўлдирар оларди.

Бу чидаб бўлмас руҳий эҳтиёж мени Ислом динига олиб келди.

1985 йилда оилавий илк намозимизни ўқидик. Мени бу нуқтага олиб келган кунни ҳеч унутмайман: У кунни ва у кечани жуда яхши хотирлайман. Метродан тушиб уйга кетар экан, руҳим бир бўшлиқ ичига кирди. Ўзимга дедим: “Хўш нима қилмоқчисан? Сен машхур шоирсан, хўп. Китоб чиқарасан, жилд-жилд китоблар чиқара оласан, аммо кейини нима бўлади бунинг? Натижада нима бор, дедим”, ўзимга.

Натижада бўшлиқ борлигини кўрдим. Шу кечаси рафиқам(Ойдин хоним)га “эртадан болаларга Қуръонни ўргатамиз...” дедим.

(Давоми бор)

**Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди
Манба: gazetebirlk.com**

Ээээх, ватандошлар, ватандошлар!

Ватанни мақтагингиз келса, ҳадеб “Куёшли”, “Осмони тиник” каби гапларни такрорлайберасизми?

Бу гапларингизнинг нақадар мантиқсизлигини ўйлаб кўрмайсизларми?

Уят бўлишини билмайсизларми?

Бу ёзувларингизга кўзи тушганлар, “буларнинг ватанида саҳродагига ўхшаб, куёшдан бошқа нарса йўқ экан” деб ўйламайдиларми?

Ёки, “нима, бошқа жойларда осмон йўқ эканми?” деб кулмайдиларми?!

Ахир саҳроларнинг куёши кўпроқ нур сочишини, осмони ҳам кенгрок эканидан беҳабармисиз?

Тузукрок сўз ўйлаб тополмайсизларми?

Ҳатто президентингизни ҳам “бошимизга чиққан куёш!” деб мадҳ ўқийсизлар...

Ээээх, ватандошлар, ватандошлар!

Агар “куёшингиз” шугина, вақтинча сайлаб олганингиз шахс бўлса, куёшингизнинг ҳам умри бир одам умрича қисқа эканлигини билдирмайдими?

Товуқ боқинглар!” деса, “яшасин товуқ!” дейсизлар...

“Эчки боқинглар!” деса, “Яшасин эчки!” деб ҳайқирасизлар! Бошқа дардингиз йўқми?!

Бўш тоғора қаттиқрок жаранлаганига ўхшаб кетаябди...

Қамоқларда йигирма йиллаб азоб чекиб ётган беғуноҳ – бечоралар ҳақида, мамлакат иқтисоди хароб қилинаётгани ҳақида, мамлакатнинг очиқ қамоқхонага айлантирилгани ҳақида, кучишлатарларнинг қилаётган зўрвонликларни ҳақида,

оилаларнинг планлаштирилиши, ҳатто фарзанд кўриш – кўрмасликка ҳам хўжайинлик қилаётганлари ҳақида, аҳолининг маҳбуслар тўдасига айлантирилгани ҳақида, ҳатто метрога тушганингизда ҳам чўнтақларингизни, сумкаларингизни титкилаб, ўзиникидай тутишларига... ҳам шунчалар хурсанд бўласизларми?

Бу ишлар – сизнинг камситилишингиз, ҳақоратланишингиз эканини ҳам билмайсизларми?

Энди ҳаммангизни “Ватандош” эмас, “фукоро”ларга айлантириб қўйганини, бу ҳам етмагандек, паспортларингизга отнинг кашқасидек қилиб, “Фукоро” деб ҳам ёздириб қўйгани сабабини ҳам билмадингизми?!... Яъни, “қашшок” деб...

Нима бўлди сизларга?

**Ёдгор Обид
facebook.com**

Туркия шу йил апрелида “террор гумондори” дея ушланган икки нафар ўзбек муҳожирини Ўзбекистонга топширган.

Қашқадарёнинг Бешкент шаҳридан бўлган 38 ёшли Эркин Авазов 22 июнь оқшоми “Турк ҳаво йўллари” учоғи билан Тошкентга юборилган.

Истанбулдаги Би-би-си манбаларининг билдиришича, Айдин шаҳрининг муҳожирлик бўлими, депортация марказида ушлаб турилган Авазов пайшанба куни Ўзбекистоннинг Истанбулдаги консулига топширилган.

Авалроқ Истанбулдаги полиция идорасидан Бирлашган Миллатларнинг Қочқинлар агентлигига муурожаат қилган Авазов Ўзбекистонни сиёсий сабаблар билан тарк этганини айтган.

Узининг сўзларига кўра, у Туркияга 2014 йилда Россия орқали келган ва шу ерда ишлаб, оиласини тебратган.

Би-би-сига келиб тушган муурожаат нусхасида Авазов ҳеч бир диний гуруҳга мансуб эмаслигини айтган.

Ўзбекистонга топширилгани айтилаётган Абдулла Эрматов исмли иккинчи қочқин ҳақида кўп нарса маълум эмас.

Ҳар икки шахс Ўзбекистонда диний-сиёсий айблар билан қидирувга берилгани айтилади.

“Террор гумондори”

Би-би-сига маълум бўлишича,

Кичкина луғат: Иш йўғида – эрмак...

Жаҳл – жаҳолат ҳосиласи. Ақл ожизлиги белгиси.

Сўкиниш – тарбиясизлик, беодобликмаҳсули. Жисмоний заифликдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Қўлидан иш келмаган одам – тилига эрк беради... Баъзан ўз сўзини ўтказолмаган одам ҳам жаҳлга эрк беради. Масалан, бугунги президентнинг ёлғон ваъдаларига “ишонмайман” десангиз, жаҳл қилиб, каматиб юборадилар...

Дўк – дўк уриш. кўрқоқлик белгиси. “Кўрққан одам – олдин мушт кўтаради”... Шу билан рақибини руҳан сустлаштирмақчи бўладиганларнинг беҳуда уринишлари... Кўп ҳолларда

Туркия “террор гумондори” дея ушланган икки нафар ўзбек муҳожирини Ўзбекистонга топширган

Авазов охириги уч йил мобайнида аёли ва икки фарзанди билан Туркияда яшаб келган ва Истанбул бозорида савдо билан шуғулланган.

Шу йилнинг 14 апрелида Истанбулнинг Пендик мавзеъсидаги Авазов яшаб турган уйга рейд уюштирган Туркия полицияси ўзбекистонлик муҳожирни “ҳужжатлари тўлиқ бўлмагани учун” ҳибсга олади.

Туркиядаги манбалар Авазовнинг Истанбулдаги Рейна тунги клубига уюштирилган ҳужум ортидан ўзбек ва бошқа марказий осиелик муҳожирларга нисбатан бошланиб кетган амалиётлар доирасида ушланганини айтишмоқда.

Туркиялик адвокат Иброҳим Эргулнинг Би-би-сига айтишича, полиция Авазовни “террор гумондори” сифатида рўйхатга олган, аммо текширувлар жараёнида унинг террорга алоқадорлиги борасида ҳеч қандай далил топилмаган.

Адвокатга кўра, Авазовнинг иши бўйича муҳожирлик идораси маҳкама ҳукмисиз қарор чиқарган.

Би-би-сининг “бу қандай бўлиши мумкин?” деган саволига адвокат, “афсуски, бугунги Туркияда бундай ишлар бўлаяпти”, – дея жавоб берди.

У Эркин Авазовнинг Ўзбекистонга

топширилишини “Туркия прокуратураси ва муҳожирлик идораси йўл қўйган мудҳиш хато” деб атади.

Адвокатнинг сўзларига кўра, Эркин Авазовнинг Ўзбекистондаги тақдири борасида маълумот олиш имконсиз.

Эркин Авазов охириги йилларда Ўзбекистонга топширилган биринчи шахс бўлган.

1999 йилда Тошкент портлаши гумондорларини Ўзбекистонга тутиб берган Туркия халқаро майдонда танқид қилинган ва гумондорларнинг Туркияда қолган оила-аъзоларига товон пули тўлашга мажбур бўлган эди.

Экстрадиция қилинганлардан бири – Зайниддин Асқаров 2010 йил октябрида Ўзбекистон қамоқхонасида вафот этган.

Туркиядаги фаолларга кўра, ҳозирда Туркиянинг муҳожирлик марказларида 30 га яқин ўзбеклар ҳануз ҳибсда қолмоқда.

Улар ўтган йил декабрида бошланган террорга қарши амалиётлар доирасида ҳибсга олинган.

Бу амалиётларда ушланган ўзбекларнинг аксарияти ҳеч қандай айбсиз қўйиб юборилган.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Жаҳл – жаҳолат ҳосиласи...

ички ишлар ходимлари ҳам ўз касблари юзасидан шу усулни қўллашади... Айниқса, пора ундириш мақсадида...

Маҳмадона – бу сўз гапга усталикни билдирмайди. Аксинча, фикрлаш қобилиятидан узоқликни билдиради. Маҳмадоналар кўпинча, ўзларининг ақллари етмайдиган нарсаларни бошқаларга ўргатишга ҳам уринадилар... Кўпроқ ўзбекистон радиоси эшиттиришларини кузатган одам яхшироқ тушунадилар. Айтадиган гапини айтолмайди ва гапни лағмон қилиб, айлантираверадилар... Вайсақилик – Сухбат

одобидан беҳабар одамлар феълидаги ўта салбий ҳолат. Одатда, ўзи нима ҳақида вайсаётганини ҳам билмайдиган одамлар...

Шаллақилик – Жанжал чиқариш мақсадида бошқалар гапига эътибор бермай, баланд овозда, ҳамманинг тинчини бузиб, уят ва ҳақорат сўзларни ишлатиб, кўпчиликнинг оромини бузиш одатларидан бири...

Шилқимлик – “Ёпишқоқ” сўзининг таркибидан келиб чиқади десак ҳам бўлади... Исталмаган ва ноқулай пайтларда келиб, ўзининг бемаъни таклифлари билан жонингизга тегиб кетиш одати...

Ёдгор Обид
facebook.com

М.СОЛИХ: РАҲМАТЛИ ЎЗОЛНИНГ ТУРК БИРЛИГИГА УМРИ ЕТМАДИ

*(Давоми. Боши ушбу –
“Муҳаммад Солиҳ: Темур
ҳам Боязид ҳам бизнинг
аждодимиздир”)*

Умрини маълум Турк халқларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан ўтказган, бир неча йилдан буён Туркияда сургунда яшаб келаётган Ўзбек муҳолиф лидери Муҳаммад Солиҳ, Каримовнинг Туркларнинг душмани сифатида бор кучи билан Турк бирлигига қарши чиқганини, Туркиянинг марҳум президенти Турғут Ўзолнинг эса Турк бирлигини яратиш учун ҳаракат қилганини, аммо бу мафкураани амалга ошириш учун унинг умри етмаганлигини таъкидлади.

Турк бирлиги қурилса Оврўпа бирлиги каби Турк дунёсининг юксалишини таъкидлаган Ўзбек муҳолиф лидери Муҳаммад Солиҳ, Турк дунёси учун келажакда таҳдид бўлиши мумкин бўлган Хитойга қарши Турк-Славян блогини қуриш мумкинлигини айтди.

Тарик Челенк: Совет иттифоқининг йиқилиши билан бирликда давлат ва тузум сифатида бир Ўзбек тушунчаси юзага келди, шундай эмасми, давлатлар ҳам юзага келди. Мустақилликни эълон қилиш билан бир вақтда юзага келдимиз?

Муҳаммад Солиҳ: 1985-йилда мен бир Ўзбек зиёлиси сифатида сиз айтган у “тузум”дан ўз мустақиллигимни эълон қилдим.

Миллий кадриятларга қарши коммунист партиянинг қўллаган зулмига қарши илк манифестни 1984 йилда декабр ойида ёздим “Политбюрога мактуб” эди бу манифестнинг номи.

56 киши, ёш шоир ва ёзувчилар бу манифестни имзолади. Бизнинг миллий ҳаракатимизни ўша мактуб бошлаб берди. Бу мактуб Ўзбек зиёлиларининг Совет зулмига қарши охириги 60 йилдаги илк бош кўтариши эди.

У вақтда ҳали Горбачев келмаганди. Коммунист партияси лидери Черненко эди. Бу кишининг шахси жуда кўримсиз эди, шу сабабдан биз мактубни Политбюрога ёздик.

Тарик Челенк: Мадрасалар ва тариқатлар бормиди Совет иттифоқида?

Муҳаммад Солиҳ: Бор эди,

аммо ҳаммаси ертўлаларда эди. Бизнинг фарзандларимизни ҳам ертўладаги ёш муллалар ўқитди. У замон болаларга Куръон ўқитиш ҳам жиноят эди. Уқиган ҳам ўқитган ҳам жазоланарди. Шунга қарамай ўғлим Темур ва кизим Умидани алҳамдулиллоҳ ўқитдим.

Тарик Челенк: Қачон эркин бўлди мадрасалар, ўқиш ва ўқитиш?

Муҳаммад Солиҳ: 1990-йилларда. 90-йиллар бошларида.

Тарик Челенк: Сиз сиёсатга, янада тўғрироғи Мажлисга қачон кирдингиз?

Муҳаммад Солиҳ: 1990-йилнинг март ойида сайловлар бўлди ва мен ҳам мустақил ва коммунист бўлмаган илк депутат сифатида сайландим. Сайловлар нисбатан эркин бўлди.

Тарик Челенк: Бунга такрор қайтаман. Бизнинг Туркияга қайтсам руҳсатингиз билан. Туркиядаги Ўзбек зиёлиси сифатида, Турк зиёлиси сифатида Туркиядаги ҳозирги Туркчиликни ва Турк миллатчилиги ҳозирги тузилиши билан Ўрта Осиёдаги Туркларга бир қаршилиги бор деб ўйлайсизми. Ҳозирги Туркчиликнинг фикр тузилишининг Ўрта Осиёдаги бутун Турк дунёсига мурожаат қила оладиган бир фикр чуқурлиги бор деб ўйлайсизми?

Муҳаммад Солиҳ: Бор деб ўйлайман. Агар бу Турк дунёси салоҳияти тўғри баҳолашиб, уйғун бир шакл топилса бир мафкура шакллантириш мумкин. Биз 1980-йиллар охирида Турк дунёси ҳақида очиқ гапира бошладик. Энг камида маҳаллий заминда бир мафкура шакллантиришга урундик. Бу масалада менинг бироз тажрибам ҳам бор. 1980-йил охирида ҳатто 7-8 ойлик ташвиқот ҳам Ўзбекларнинг Турклик ва Турк интеграциясини тушуниши учун етди ва Ўзбекистонда илк маротаба Ўзбекларнинг Турк эканлиги очиқ тилга олина бошланган эди.

Сўнгра Турк душмани Каримовнинг шиддатли босими остида бу оқим тўхтатилди ва унинг лидерлари юртдан сургун қилинди.

Тарик Челенк: Сизнинг бир таклифингиз сифатида ўртоқ тил ўлароқ Истанбул Туркчаси бўлиши

мумкин сиз учун, шундайми?

Муҳаммад Солиҳ: Ҳа, бу энг рационал таклиф эди. Туркистон турклари 75 йил мобайнида ўз ораларида ўртоқ тил сифатида Рус тилини қўлланди. Нега биз энди ўз Туркчамизни, Истанбул шеvasини ўртоқ тил ўлароқ қабул қилмаслигимиз керак?

Тарик Челенк: Хўш, масалан Туркияда Турк миллатчилиқ ҳаракати бошқа идеалистик ҳаракатларининг Туркиянинг бир ўртоқ муаммоси бор. Курд муаммоси масалан. Курд муаммосига бир Ўрта Осиё Турк зиёлиси сифатида қандай қарайсиз. Сиз Курд бўлсангиз қандай боқардингиз?

Муҳаммад Солиҳ: Менимча Курдларни ассимиляция қилишга урунмаслик керак. Агар бундай қилишга урунаётганлар бор бўлса, албатта. Менимча айнан аксини қилиш керак. Курдларнинг паспортида “Туркия фуқароси” эмас, “Курд” деб ёзиш керак. Турк паспортида ҳам “Турк” деб ёзиш лозим. Курдларнинг курдлик қилишларига тўсиқ бўлмаслик керак, агарда бу Туркияни парчалаш мақсадида бўлмаса албатта. Фақат Туркия бир унитар давлатдир, бу ерда Туркча давлат тилидир ва бу давлатда яшайдиган ҳарким шу тилда гаплашишлари мажбурий бўлиши керак. Худди Америкада ҳар кимнинг ингилизча гаплашиши каби.

Тарик Челенк: Она тилидаги таълимга қандай қарайсиз. Курдларнинг она тилларида таълим олишларига.

Муҳаммад Солиҳ: Она тилида таълимни уларнинг ўзлари қилишлари мумкин истасалар. Аммо бу ер Туркия, ҳар нарсадан аввал Туркчани ўрганишлари лозим.

Тарик Челенк: Туркиянинг ташқарисидаги Курдлар билан муносабатларига қандай қарайсиз? Масалан бир конфедерал тузилма таклифи бўлса Туркия нуқтаи назаридан тўғри келадими сизнингча? Ироқдаги, Суриядаги Курдлар билан ҳамжиҳатлик каби.

Муҳаммад Солиҳ: Бу мумкин. Туркиянинг ташқарисидаги Курдлар билан Конфедерал худудда яшаш мумкин.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тарик Челенк: Хўш яна масалан одатда қайси мафкура бўлса бўлсин шу жумладан ижтимоий мафкурада ҳам барча инсонларга мурожаат қилган бир йўналиш бўлиши керак. Ҳозир Туркчиликни ёки Турк миллатчилигининг сизнингча барча инсониятга мурожаат қилган бир йўналиши борми.

Муҳаммад Солих: ҳар нарсадан аввал биз Турк эканлигимизни яширмаслигимиз лозим. Турк эканлигимизни билишимиз лозим. Мен Туркман дейишдан кўрқмаслик керак. Албатта, Туркман деб бошқа бир қавмга устунлик қилишга уруниш яхши бир нарса эмас.

Айни шаклда “биз фақатгина мусулмонмиз” ҳам деёлмаймиз.

Биз мусулмонмиз алҳамдулиллоҳ, аммо айни онда Туркмиз. Турклик биз ўйлаб топган нарса эмас. Аллоҳ бизни Турк ўлароқ яратди. Миллат Аллоҳнинг тушунчасидир. Оллоҳнинг ояти бор, “Сизни қавм-қавм ўлароқ яратдик” дейди Куръони Карим. Миллатни рад қилиш Оллоҳнинг оятини рад этишдир.

Тарик Челенк: Бу маънода масалан Туркиядаги Исломчи оқимнинг назарида Ўрта Осиёдаги Турк дунёси билан бир муносабат йўлга қўйилмаганлигини қандай қарайсиз?

Муҳаммад Солих: Исломчилик мен унча ҳам ёқтирмайдиган бир атамдир. Ислом – бизнинг динимиз, Алҳамдулиллоҳ мусулмонмиз, диний эркинликлар бўлиши керак, аммо айни пайтда миллий қадриятларимизни ҳам асрашимиз лозим.

Тарик Челенк: Ўрта Осиёда радикал Исломчиликнинг ривожланишини сабаблари нимада деб ўйлайсиз, Совет иттифоқидан сўнг масалан Ўрта Осиёдан жуда жиддий ҳажмда бутун жаҳонга террорчилар тарқалганини кўриш мумкин.

Муҳаммад Солих: Тоталитар тузумнинг маҳсули бу. Илмли мусулмонларни радикал қилган тоталитар режимдир. Ва бутун дунёда фақатгина Ўзбекистонда эмас, тоталитар режимлар жамиятда радикализмга туртки берган энг буюк омилдир.

Тарик Челенк: Бунда шуни кўраёпсиз.

Муҳаммад Солих: Чунки инсонларга бошқа йўл қолдирмаяптилар. Ўз диний мажбуриятларини бажаришларига

тўсқинлик қилмоқдалар ва бунинг натижасида жоҳил оқимлар пайдо бўлмоқда. Қолоқ ва жоҳил радикалларга муҳит яратган тоталитар режимлардир.

Ўз жамоатларидан бошқа барча мусулмонларни “кофир” дейдиган такфирчи радикаллар уларга муҳит яратган тоталитар режимлар каби тоталитар зехниятлидир.

Яъни бир тоталитар зехният иккинчисини урмоқда. Бири атеист золим, иккинчиси динчи золим – иккиси ҳам золим. Бири комунист, бошқаси такфирчи – ҳеч фарқи йўқ ораларида, иккиси ҳам зулмга ҳизмат қилмоқда.

Тарик Челенк: Қандай курашиш керак буларга қарши. Ўрта Осиёда масалан ҳукуматда бўлсангиз қандай курашиш керак деб ўйлайсиз, радикал оқимлар билан?

Муҳаммад Солих: Яъни барча диндорларнинг ҳуқуқлари Конститутцияда кўрсатилган шаклда бўлиши керак. Диндорлардан кўркиш керак эмас, улар эркин яшаши керак. Қонундан ташқарига чиқса барча каби жазоланиши лозим. Ҳар қандай бир жиноят қилган фуқаро жазога тортилгани каби қонун олдида диндор ҳам жазоланиши керак албатта.

Тарик Челенк: 50 йил давомида Турк дунёси умумий бир иттифоқ умумий бир қардошлик, умумий бир бутунлашув ва ичда бирлик, сиёсий ўлароқ бошқа бир ўлкалар манфаатида эмас, яъни бир тинчлик йўлидаги қадам сифатида бутун Турк дунёсида. Гаспиралининг айтгани каби «тилда, фикрда, ишда бирлик» мумкинми? Раҳматли Тургут Ўзол бунга ғайрат қилди. Мумкинми шу?

Муҳаммад Солих: Мумкин. Албатта мумкин.

Тарик Челенк: Нималар қилиш керак бошида бунинг учун?

Муҳаммад Солих: Энг аввало давлатларимиз бу ғояга қаршилик қилмаслиги керак, бу ғоя тарафдорлари бўлган сиёсатчилар ҳокимиятга келиши керак. Турк жумҳуриятлари ва Туркияда узоқ йиллардан буён муҳокама қилинган бу лойиҳа ортик бир ҳаёл эмас, ниҳоят бир давлат сиёсатида айланиши керак.

Бу ғоя ҳозир гаплашаётганимиз каби, биз каби бир-икки зиёлининг дастурхон атрофида муҳокама қилиш форматидан чиқиб, давлат доираларида кун тартибига қўйилиши керак.

Масалан, Ўзбекистонда “Турк бирлиги” учун ҳар нарсани ўртага қўя оладиган бир кадр ҳукуматга келса у ердан ҳаракат бошлаш олади. Биз бу ҳаракатни Туркиядан кутдик. Аммо Туркия ўзининг ички муаммолари билан овора бўлишга мажбур бўлиб қолди. Раҳматли Тургут Ўзол бу истиқболни гўёки кўрган эди, бироқ умри етмади.

Тарик Челенк: Ҳозир тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аслида қарасангиз Турк дунёсининг маданият манбаси, Онадўлидаги Туркларнинг келиб чиқиши Ўрта Осиёга тақалади, яъни ҳар нарсамизни ва ўзимизни Ўрта осийдаги қишлоқларга борганда кўраимиз.

Муҳаммад Солих: Ҳа, биз ҳам Онадўлини сайр қилар экан, у ерда Ўрта Осиёни, Туркистонни кўраимиз.

Тарик Челенк: Фақат Туркия Усмонли ва Салжуклардан эътиборан бу ерда Онадўлида бир бутунлигини сақлай олган. Нима сабабдан Ўрта Осиё амирликларида, хонликлар парча-парча ва 150 йилдан кейин асосан бир Рус гегемониясининг турли номлари остида ва ҳар доим маданий тушунчаларга қарасак ҳамда бир ерда яшаш ва тартибни таъминлаш масаласида Руслар бор. Нега Ўрта Осиё Онадўлидаги Турклар каби ўзларини бир бутун ҳолга келтирмаган, ўз иттифоқларини қурмаган, бунинг маданий ва сиёсий ижтимоий сабаблари ҳақида нима деб ўйлайсиз?

Муҳаммад Солих: Депрессия 15-16 асрларда, Темурнинг парчаланган мероси ҳудудларида марказлашган бир давлат қуришга ҳаракат қилган Муҳаммад Шайбонийхондан кейин бошланган.

Ушбу чўкишнинг асл сабабларини мен фақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ёки бошқа глобал факторлар натижаси сифатида кўрмайман. Менимча, асл сабаб маънавийдир. Биз, Туркистонликлар Шайбонийдан кейин бузилдик.

Тарик Челенк: Шайбоний қайси даврда яшади?

Муҳаммад Солих: 15-16 асрларда. Шайбоний Темурнинг набираси Заҳриддин Муҳаммад Бобурни Самарқанддан сургун қилгандан кейин Ўрта Осиёда бир давлат қурди. (Бобур эса Хиндистонга кетди ва у ерда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

империя курди)

Шайбоний курган давлат Темурдан кейин бошланган анархияни бир муддат тўхтатди, аммо узоқ яшамади Шайбонийлар. 16 аср давомида Эрондаги Шия-Сафвийлар билан давомли жанг қилдилар. Аҳли суннат бўлган Усмонлилар ва Ҳиндистондаги Бобурийлар билан яхши муносабатлар қуришга урундилар. Маворауннаҳрда зироат, тижорат, гўзал санъатлар ва маданиятни йўлга қўйдилар. Ўлкада хузур ва хавфсизликни таъминлаб, иқтисодий фаровонлик савиясини юксалтирдилар. Тижорат йўлларида карвонсарой ва кўприклар қурдириб, қимматбаҳо маданлардан, харид қилиш салоҳиятини кўтардилар. Суғориш каналлари очиб, кишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширдилар. Шайбоний хонлар маданиятли кишилар бўлиб, олим ва санъаткорларни ҳимоя қилардилар.

Тарик Челенк: Ҳозир Турк дунёси учун Хитойни таҳдид сифатида кўраяпсизми?

Мухаммад Солиҳ: Бугун потенциал таҳдид Хитойдир. Турк дунёси Хитойдан ҳимояланиш учун дарҳол Турк дунёси интеграциясини бошласа, яхши қилади. Янада кейинроқ, бу жараённинг давомида бир Турк-Слав, яъни Рус, Украин ва бошқа слав халқлари билан бир Турк-Слав блогини қуриш мумкин.

Авваллари “Адриатикадан Хитой деворига қадар” деган ҳиссиётли бир шиор бўларди, агар Хитой факторини жиддий қабул қилмасак бу шиор ҳеч қачон амалга оширилмаслиги мумкин.

Тарик Челенк: Янги Ўзбекистон ҳукуматига нималарни тавсия қиласиз. Яъни бу ердан қараганда одатда қандай кўраяпсиз?

Мухаммад Солиҳ: Бугунги Каримов тузуми ўзгармади, бошқа бири келди.

Тарик Челенк: Яхши хабарлар берди менимча.

Мухаммад Солиҳ: Ҳа яхши хабарлар келаяпти, аммо тузум ўзгармади. Режим ўзгармади ва кадрлар умуман ўзгармади. Фақат уларнинг жойи ўзгарди.

Аммо бошқарув стили, услуби ва давлатнинг қарашлари ҳамда коммунистик фанатлик давом этмоқда. Биз муҳолифат сифатида янги ҳукуматга бир оз вақт беришимиз лозим, дедик. Ва бу муддат давом этмоқда. Биз

янги ҳукуматни ортиқча танқид қилмасликка урунаёلمиз. Фақат бу ҳукуматдан инқилобий бир нарса кутмаяпман, тўғриси айтганда.

Тарик Челенк: Хўш, демократик инқилоб қилиш осонми, Ўрта осийдаги давлатлар билан бу масалада тарихий ўтмишларга назар ташласак, қийин эмасми у ерда демократиянинг ўрнашиши?

Мухаммад Солиҳ: Бу нарса қийин эмас, “Биз демократияга тайёр эмасмиз, Фарб демократияга узоқ йиллардан кейин эришди, бизга ҳам вақт керак” деган бир сафсата бор. Бу бизнинг маҳаллий диктаторлар уйдирган сафсатадир.

Демократияга улар (тепадагилар) тайёр эмас, биз тайёрмиз. “Перестройка” даврида мен халқимизнинг демократияга қанчалик тайёр эканлигини кўрдим. Биз митинг уюштирардик, кўчаларга ўн минглаб инсонлар чиқар эди, митинглар тўполонсиз, сокин ва бирлик ичида ўтар ва бу улкан оломон тарқаларкан, майдонда ҳеч қандай ахлат қолдирмасди, турган ерини тозалаб кетарди инсонлар. Яъни, жуда шуурли эди инсонлар. Бошқа бир мисол: мен муҳолиф ЭРК партиясидан президентлик сайловида номзодимни қўйдим. Рақибим Ислом Каримов (президент) партиямизга ажратилган бюджет маблағини бермади, биз 65 минг доллар тўладик ва сайловда ғалаба қозондик. Албатта қатта бир фирибгарлик қилиб, бу рақамни Каримов 12.7 фоизга қадар туширди, аммо сайловда ғалаба қозонганимизни бутун халқ кўрди. Мен каби антисовет ва антикоммунист кишига (мустақил кузатувчилар ҳисобига кўра) 52 фоиз овоз берган халқни “демократияга тайёр эмас” дея оласизми?

Тарик Челенк: Бу хайрия йўли билан тўпланган пул эдими?

Мухаммад Солиҳ: Ҳа, дўстларимиз келди. Америкаликлар келди ва Турклар келди. Уларнинг партиёга ёрдам мақсадида берган пуллари эди. Хайриядан бошқа бир нарса йўқ. Яъни инсонлар ўз пулларини сарфладилар. Каримов турли баҳоналар топиб менга сайлов учун ажратилган бюджет пулини бермади. Бир тийин ҳам бермади.

(Давоми бор)

Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди
Манба: gazetebirlirik.com

Менинг жиноят ишимни қайтадан очик суд мажлисида кўриб чиқиш лозим

Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёевга

Мухтарам Президент жаноблари!

Сизнинг судьяларга қарата айтган гапларингизни эшитар эканман, кўзимдан дув-дув ёш оқиб турди. Бунга сабаб шуки, прокурор 1995 йил апрель ойида мендан Биринчи Президент номидан 30 млн. АҚШ доллари талаб қилди. Рад қилдим. Менга жиноят иши кўзгаб қамокқа олдилар.

Президент уларнинг ёлғонини фош қилди ва мени қамокдан озод этди. Бунга ўша вақтда ИИВ вазири бўлган З. Алматов гувоҳ.

13.02.1998 йили мени яна қамокқа олдилар. Тергов қилмай, суд қилмай мени 19 йил қамокда сақладилар. Бунга терговчи Таглимуратов ва судья Имомов гувоҳдир. Улардан хафа эмасман. Чунки улар айблов хулосасининг ва судь ҳукмининг ноқонуний эканлигини ихтиёрий равишда таъминлаб бердилар.

Қамокдан 13.02.2017 да чиқдим. Ноқонуний равишда қамокда 19 йил ўтирганимни апрел ойида 10-07 телефони орқали айтдим. Натижада “прокурорга тухмат қилди” деган баҳона билан мени маъмурий жавобгарликка тортдилар.

Сиз Ўзбекистоннинг оддий халқи учун энг азиз ва энг қадрли инсонга айландингиз. Халқ Сизни юракдан қўллаб-қувватлайди, лекин амалда кўрсатолмайди. Бунинг сабабини “ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан” мақоли аниқ кўрсатиб турибди.

Сиз бошлаган ишларнинг самарасининг ошириш, уларга халқ диққатини жалб қилиш ва оммавий ишончни мустаҳкамлаш учун муайян иш намуна бўлиши керак.

Ана шундай иш менинг жиноят ишимдир. Уни қайтадан очик суд мажлисида кўриб чиқиш лозим. Шунда одамларнинг юрагидаги кўрқув қамаяди ва улар Сизга мустаҳкам таянч бўлиб қолади. Қонун устиворлиги – сўзда эмас, балки амалда экани омма онгига етиб боради! Ҳурмат ва эҳтиром ила ўз вақтида 10 мингдан ортиқ одамни иш билан таъминлаган Рустамбанк таъсисчиси

Рустамжон Турдиевич Усмонов
[facebook.com](https://www.facebook.com)

Сурхондарёлик тадбиркор Каромат Қодированинг 33 ёшли тадбиркор ўғли Муродилло Омоновнинг 2017 йилнинг 20 январ куни Жарқўрғон туман ИИБ биносидан жасади чиққанини биласиз.

Она ўғлининг ўлими буюртма қотиллик деб ҳисоблайди. Она Жарқўрғон туман деҳқон бозорининг янги бойларидан бўлган Абдуллабой ИИБ ходимлари билан тил бириктириб ўғлимни қатл қилишди деган тўхтамда. Шу боис ҳам Қодирова суд тиббий экспертиза хулосаларини сохта деб билади, ҳаммани сотилган деб ўйлайди. Она ўғлини қотилларини



Эркинжон Оқбутаевич сизнинг энг ишонган, ишончингизга кирган ва эҳтимол, ишончингизни оқлаган кадрлардан бири сифатида қаралади. Эҳтимол, Турдимовнинг Сурхондарё влиоятига ҳоким этиб тайинланиши замирида ҳам айнан сизнинг унга бўлган ишончингиз ётган бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ, биз бир нарсани тушуна олмай қолдик.

Президент қабулига адолат сўраб келишга отланган тадбиркорнинг, боласи милиция кўлида жон берган онанинг йўлига қонун идоралари ходимлари томонидан йўлтўсарлик қилинишини қандай тушиниш мумкин?

Буни Мирзиёевга қарши фитна деса бўладими?

топишда кўмак сўраб Шавкат Миромонович, сизга такрор-такрор мурожаат қилиб келмоқда эди. Ниҳоят, онанинг кўнглида умид учкунлади. Президент виртуал қабулхонасидан кўнғироқ бўлиб, Каромат Қодирова 22 июн куни соат 10.00 да ИИВнинг Санъат саройида бўлиб ўтиши режалаштирилган қабулга чақиртирилди.

Бундай хушхабарни эшитган Каромат Қодирова Президент қабулига кечикиб қолмаслик ва пухта тайёргарлик кўриш илинжида 2017 йилнинг 19 июн куни Сурхондарё -Тошкент йўналиши бўйлаб йўлга отланди.

Бироқ Каромат Қодирова кеч соат 16.00 ларда Дарбанд постида тўхтатилди ва ИИБ ходимлари томонидан ортига, Сурхондарёга қайтарилди ва тахминан соат 21.00 ларда тўппа-тўғри Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман суди биносига келтирилди. Соат тунги 22.00-23.00 лар ўртасида Каромат Қодирова маҳкамага тортилди.

Маҳкамага Қодированинг яқинлари – қизлари, ўғиллари, сингиллари, яқин қариндошлари киритилмади.

Шу сабаб ҳам ҳозирча суд тафсилотлари номаълумлигича қолмоқда.

Суд идорасидан милициянинг махсус машинасида олиб чиқилган Каромат Қодирова 19 июн куни тунги соат 23.00-24.00 лар орасида Термиз шаҳрига олиб кетилди.

Каромат Қодирова қандай айб билан судланди? Унга нисбатан маъмурий иш очилганмиди, ёки жиноий ишми? Унга қандай жазо тайинланди? Ҳозир унинг тақдири қандай кечмоқда? Бу саволларнинг

жавоби ҳозирча мавҳумлигича қолмоқда.

Бироқ, ҳаётини кузатувларимизга таянган ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, Каромат Қодированинг Президент Шавкат Миромоновичга олиб борувчи йўлни беркитиш ва тўсиқ қўйиш мақсадида ИИБ биносидан жасади чиққан йигитнинг онаси ярим йўлдан тутиб, ортга қайтарилди ва турмага ташланди.

Шаҳсан мен Қодировани она сифатида тушуниб турибман. Бир парча этни 33 ёшга киритишнинг ўзи бўладими? ИИБ идораси ходимлари Каромат опанинг ўғлини вояга етказиш йўлидаги 33 йиллик заҳматларини бир лаҳзада кунпоякун қилишди. Она ҳақ, ё ноҳақ бўлишидан қатъий назар шу нарса ҳақиқатки, ИИБ биносидан соппа-соғ ўғлининг мурдаси чиқди. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор қила олмайди. Бундай кўргуликни дўсти-ку дўсти, хатто душманига ҳам раво кўрмайди киши Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Адолат излаб сизнинг қабулингизга отланган оддий халқингиз бошига тушаётган мусибатларнинг биринчиси ҳам, охиригиси ҳам эмас бу.

Негаки, маҳаллий амалдорлар ўзларининг орқасини асраб қолиш илинжида ҳақиқат тилаб қабулингизга шайланган фуқароларингизни турли бўхтонлар, уюштиришлар, провокация ортидан минг бир балоларга гирифтор қилишмоқда.

Шавкат Миромонович!

“Халқ радиоси”нинг хабарларига таянадиган бўлсак, Сурхондарё вилоятининг янги ҳокими Турдимов

Каромат Қодированинг айнан Виртуал қабулхона қабулга чақирган кунидан икки кун олдин қамалиб қолганиничи?

Хурмтали Шавкат Миромонович!

Бувоқеани сиз қандай шарҳлайсиз, билмадигу, бизнинг назаримизда, ўзингиз ишонч билдириб вилоятга ҳоким этиб тайинлаган кишингиз – Эркинжон Турдимов томонидан мамлакатимизнинг янги президенти Шавкат Миромоновични обрўсизлантириш, президентга нисбатан одамлар қалбидаги ишончнинг ўлдириш, президент мавқеини пасайтириш мақсадида Мирзиёевга қарши қаратилган ошкора фитна деб баҳолаймиз биз буни.

Қонун идоралари ходимлари ва вилоят ҳокимлиги томонидан амалга оширилаётган бунингдек қабилидаги қонунсизликлар шубҳасиз Сиз мухтарам президентимизнинг обрўсига соя солади. Фуқароларингизнинг сизга бўлган ишончини саволлар остида қолдиради-ку, мухтарам президент?

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Виртуал қабулхона томонидан қабулга чақиртирилган кундан икки кун олдин Каромат Қодировани қамашди.

Илтимосимиз, сизга Худога ишонгандек ишонган аёлнинг тақдирига бефарқ бўлмасангиз. Худо кўрсатмасин, худди 33 ёшли ўғлининг жасади ИИБ биносидан чиққани каби, эртага яна онасининг ҳам мурдаси Термиз шаҳар ИИБ биносидан чиқмасин деймиз-да, мухтарам президент.

Сизга ишонч ва ҳурмат билан

Эшонқулова Малоҳат.
Мустақил журналист.

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тарик Челенк: Арманистон ҳам кўшилиши мумкин.

Мухаммад Солих: Энг аввало Турк бирлиги бўлади. Кўшилишни истаган этник гуруҳлар бўлса кўшилиши мумкин.

Тарик Челенк: Бир замонлар Руслар кузатувчи эди. Илк раҳматли Тургут Ўзол бу айтганингизни шошиб бўлса ҳам амалга оширишга ҳаракат қилганди.

Мухаммад Солих: У вақтда муҳит жуда мусоид эди. Бугун яна кўп айирмачилик бошланди. Бундай бир интеграция одатда ҳар кимнинг фикрида бор эди. Ва Ўзол ҳам уни тутишга урунди. Ҳамма нарсани тушунмаган эди Ўзол албатта. Аммо унда бир ғайрат бор эди. Бир нарсалар қилиши кераклигини билар эди. Дарди бор эди. Аммо мен уни Туркчи деб ҳисобламайман. Бўлиши ҳам шарт эмас.

Тарик Челенк: Хўш, бу FETO (Фатхуллоҳ Гулен террор ташкилоти) Урта осийда мактаблар очди, сизнинг вақтингизда очган эди. Ҳозир қарасангиз аслида бу мактабларда, Турксани ўрганган ва Туркияни севган бир қатор исломни ва мусулмонликни ўрганган ёшлар етишди. Аммо умуман олиб қараганда Туркиядаги параллел қурилишнинг бир парчаси эди афсуски. Фақат кейин бу ташкилотдан Руслар роҳатсиз

бўлди, билвосита Американинг назоратида бўлгани учун. Биринчи саволим шу: FETO мактабларининг фойдаси бормиди илк даврларда, Совет иттифоқи қулаганидан кейин келган 15-20 йил сўнгра сиз учун бир фойдаси бўлдими, кўрдингизми Турк дунёси жиҳатидан?

Мухаммад Солих: Албатта бўлди. Энг камида Туркчани ўргатдилар. Туркча гаплашдилар, Туркча ашула айтдилар. Шу фестивал ва шу кабилар яхши нарсалар эди аслида. Бунинг FETO га алоқаси йўқ. Давлатни қўлга олиш мақсади бўлмаса эди, мактаблар жуда яхши эди.

Тарик Челенк: Хўш, бу мактабларнинг ўрнига нима қилиш керак?

Мухаммад Солих: Давлат бу мактабларни ўз таркибига олиши керак. Давлат бу тизимни айнан давом эттириши лозим. Ҳатто ўқитувчиларни ҳам ишдан олмасдан давлат маоши билан ишлатса жуда яхши бўларди.

Ўқитувчиларни четлатмаслик керак, давлат ўқитувчиларни қўллаб-қувватламаса у тизим қўлдан кетади.

Тарик Челенк: Сиз бу FETO мактабларининг Америкалик манфаатдорлар ёки CIA (Марказий разведка бошқармаси) манфаатига хизмат қилади деган фикрда эдингизми, илк ташкил қилингандан буён.

Мухаммад Солих: Мен буни

билмайман, аммо мутлақо CIA да ишлайдиган тарафдорлари бўлиши керак. Чунки Америка бу каби ҳаракатлардан ҳар доим фойдаланди ва фойдаланишда давом этмоқда. Бунга ажабланмаслигимиз керак.

Тарик Челенк: Ўзбекистонда буларни илк Каримов ёптирган эди, шундайми? Америка сабабли ёптирдими?

Мухаммад Солих: Каримов диний важдан ёптирди. Болаларни диндор қилади ва диндорлар мен каби динсизни ағдариб ташлайди деб ёптирди.

Тарик Челенк: Сизнинг иқтисодий қувватингиз йўқлиги учун сизнинг болаларингизни мактабга олишмаган эди менимча.

Мухаммад Солих: Фатхуллоҳ Гулан Каримовнинг муҳолифи бўлганим учун ўғлимни мактабга қабул қилмади.

Тарик Челенк: Ҳа сиз муҳолиф бўлганингиз учун.

Мухаммад Солих: 1990-йилда депутат эдим, Парламентда муҳолиф фракциясининг раҳбари эдим. Каримов мактабларимни ёпмасин деб, менинг ўғлим Темурни мактабга қабул қилмади. Ва буни ҳам ҳамма жойда айтди. Каримовнинг душмани Солихнинг ўғлини мактабимизга қабул қилмадик, деб.

(Туғади)

Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди
Манба: gazetebirlilik.com

Тўрт учрашувда мағлуб бўлган бўлсангиз ҳам, миллионлаб мухлислар кетишингизни талаб қилиб ётса ҳам, сиз кетмаяпсиз.

Бу ҳам етмаганидек, бир-бирингизни ота-боладек қўллаяпсиз. Буни кўриб, ҳатто: “Булар – икки жисмдаги бир одам!” – деган фикрга боряпман.

Эй, барака тошгурлар, тезроқ Ўзбекистон футбол федерациясидан ва миллий терма жамоасидан кетинглар! Сизларнинг кетишингиз, шу соҳадаги ишларнинг ривожланишини бошлаб беради.

Ривожланиш йўлида тўсиқ бўлаётганингизни биласизми ўзи?



Самвел Усмонянга очиқ хат

Футболимизни ва термамизни ботқоққа ботириб бўлдингиз. Энди чўктиришни ният қияпсиз, шекилли, ҳеч кетмаяпсиз.


Футболимизни ва термамизни сиз ботирган балчиқдан чиқишини

истаётган миллионлаб одамлар сизларга қарата: “Кет!” – деб ётгандан кейин, кетинглар-да энди!

Ўжарлик ила кетмаётганингизни кўриб, халқимизнинг: “Ёмон кўшнидан кўчиб қутулсан, ёмон хотиндан ўлиб қутулсан!”, – деган нақли эсимга тушмоқда.

Рамазон ойида ҳеч ким ўзига ҳам, сизга ўлим тиламайди. Шундай экан, шу муқаддас ойда сиз ҳам халқнинг илтижоларини инобатга олинг-да, кетинг!

Бобмурод АБДУЛЛА
17.06.2017
facebook.com



Таниқли брендлар “откат ва доля”ни ўйлаб, Ўзбекистонга келишга қўрқаяпти

Озодлик билан суҳбатда P. Jahn General products ltd ширкати асосчиси Paul Jahn президент Мирзиёвнинг хориж инвесторларига қилаётган таклифи Даниянинг дунёга машхур компаниялари томонидан ўрганилаётгани, бироқ ҳозирча на молиявий ва на ҳуқуқий хавфсизлик кафолатлари кўринмаётгани учун, улар ўзбек бозорига кириш қарорини пайсалга солаётганини айтди.

Тараддуд

Озодлик билан суҳбатда даниялик тадбиркор, P. Jahn General products ltd ширкати асосчиси Poul Jahn Данияда Ўзбекистон каби 31 миллион истеъмолчиси бор янги бозорларга киришга қизиқаётган йирик ширкатлари борлигини эътироф қилди:

– Мен сизга бир неча мисол келтиришим мумкин. Даниянинг Jysk ширкати ҳозирда дунёнинг 52 давлатида ишлаяпти. Бу данияликларнинг ИКЕАси. ИКЕА жуда катта компания ва у яқин келажакда Ўзбекистонга бормайди. Лекин 200 дан 1600 квадрат метргача бўлган ҳудудда асосан уй-жой жиҳозлари, кўрпа-тўшак сотадиган Jysk Ўзбекистонга киришга анчадан бери қизиқмоқда. Қуни-кеча улар менга яна келишди маслаҳат сўраб. Мендан олдин PWC (Price Waterhouse Coopers) консалтинг компаниясидан маслаҳат сўрашибди. PWC уларга ҳозирча Ўзбекистонга сармоя киритмасликни маслаҳат берган, мен ҳам худди шу фикрдаман, дейди Paul Jahn.

PWC – Ўзбекистондаги бизнес иқлимига оид янги хулосасини ҳозирча очиқламади

Даниялик тадбиркор билан суҳбат ортидан Озодлик дунё мамлакатларидаги бизнес муҳити, хусусан, инвестиция имконлари ҳақида бизнес гуруҳлари ва тадбиркорларга масалаҳат бериш билан шуғулланувчи PWC ширкати вакиллари билан боғланди.

Ширкатнинг Лондонда жойлашган глобал коммуникация идораси мутасаддиси, қолаверса, унинг Тошкентдаги ваколатхонаси вакили Озодлик саволларига махсус ҳозирликсиз жавоб бера олмасликларини таъкидладилар. Озодликнинг электрон почта орқали юборган ёзма саволларига, ширкат экспертларининг тез орада жавоб қайтаришлари ваъда қилинди.

(Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан бери хориж инвестициялари учун муҳит яхшиландими, бугун Ўзбекистонга сармоя киритишга иккиланиб турган Ғарб ширкатларига бу борада қандай маслаҳат берасиз, деган саволларга жавоб келиши уларни жамоатчиликка тақдим этамиз -таҳр.)

Ўзбекистондаги бизнес иқлими ҳақида 2016 йил якунларидан келиб чиқиб қилинган хулосасининг индаллосидаёқ PWC эҳтимолий сармоядорлар диққатини Ўзбекистон иқтисодидаги фундаментал муаммоларга қарагади.

“Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий вазиятда айрим

яхшиланишлар бўлганига қарамай, бу иқтисод эндигина ривожланиб келаётган бозор хусусиятларига эғалигича қолмоқда. Бу жиҳатлар мамлакат ташқарисида эркин конвертация қилинмайдиган пул бирлигининг мавжудлиги, қарз ва қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги ликвидликнинг паст даражада қолаётгани кабиларни ўз ичига олади. Умумиятла, бизнес иқлими барқарор деб тасвирланса-да, бозор иқтисодига ўтишга қаратилган кескин ислоҳотлар қилиниб, давлатнинг иқтисодни бошқаришдаги роли камайтирилса, Ўзбекистон иқтисодида тез ўсиш потенциали мавжуд”, дейилади PWC консалтинг ширкати 2016 йил эълон қилган ҳисоботда.

“Бизнинг қўргуликларимиз бошқа ҳавасмандларни чўчитмоқда”

Даниялик тадбиркорнинг ўз ватанидаги бизнес ширкатларига ҳозирча Ўзбекистонга сармоя ётқишига шовилмаслик ҳақида маслаҳати унинг ўз аччиқ тажрибасига асосланган.

90-йилларда Ўзбекистонга кирган дастлабки Европа ширкатларидан бири бўлган P.Jahn General Products Limited 2000-йиллар ўрталарига келиб, ҳукумат тепасида ўтирганлар қўйган “оғир шартлар” – мунтазам “откат ва доля” тўлаб туриш талабини бажара олмаганидан ортидан ўз бизнесини ташлаб кетишга мажбур бўлган эди.

Ўзбекистон Миллий банкининг биргина қарори билан 1 миллион 800 минг долларидан ажраб, Ўзбекистон Олий Хўжалик судига бўлган уч инстанцияда Миллий банк билан судлашиб, ўз пулини ола олмаган жаноб Jahn, бугунги кунда мамлакатдаги сармоя иқлими жиддий ўзгарганига шубҳа билан қарайди:

– Хориж инвестори Ўзбекистонга борар экан, биринчи навбатда, ўз пули, ўз даромадини олиб чиқиб кетишига ишончи қомил бўлмоғи керак. Даниядек узоқ бир жойдан Ўзбекистонга борган сармоядор, даромад қилиб, топганини Данияга олиб келишни хоҳлайди. Инвестор истайдиган энг оддий ва энг муҳим хавфсизлик кафолати шудир. Лекин Ўзбекистонда ҳали ҳам конвертация йўқ. Демак, у пулини расмий курсда валютага айлантириш учун яна кимларгадир

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ялиниб-ёлвориши, пора бериши, ҳомийлик сўраши керак бўлади.

Иккинчиси, Ўзбекистонда дўкон ёки завод очар экан, сармоядор уни эртага кимдир келиб ёпиб қўймаслиги учун кафолат истади. Ўзбекистонда ўт ўчирувчим хохласа, мана бу деворинг кийшиқ экан, бузиб, бошқадан қурасан, деб таҳдид қилади, пора сўрайди. Агар бугун Ўзбекистон ҳукумати мамлакатдаги сармоя иқлими яхшиланганини намойиш қилмочки бўлса, умумий муҳитни шаффофлаштириши керак – бизнес бошлаш, ёки бизнесини давом эттириш учун ҳеч кимга откат ёки пора беришга жой қолмасин, дейди айни шаффофлик йўқлиги ортидан ўрчиган давлат коррупцияси боис Ўзбекистондан чиқиб кетган даниялик тадбиркор.

Дунёга машҳур ширкатлар Ўзбекистонга кирса, бу бошқа инвесторларни рағбатлантиради

Сухбатдош таъкидича, JYSK Ўзбекистонга киришга қизиқётган ягона Дания ширкати эмас. У қатори жаҳонга сифатли оёқ кийимлари билан танилган ЕССО, заргарлик маҳсулотлари билан машҳур Pandora ширкатлари ҳам янги бозор илинжида Ўзбекистонга киришни режаламокда.

Агар бу таникли брендлар Ўзбекистонда иш бошласа, бундан ҳам ўз маҳсулотига янги бозор қидираётган бу ширкатлар, ҳам ўзбек иқтисоди ютишига шубҳам йўқ, дейди Jahn:

– Эртага Jysk бориб Тошкент ва бошқа катта шаҳарларда, дейлик, биринчи учта дўконини очсин. Агар бизнес иқлими яхшиланган бўлса, тез орада Ўзбекистон бўйлаб бу ширкат бемалол 30 та дўкон оча олади. Ўзбекистонда арзон иш кучи, ўз пахтаси борлигини инобатга олсак, Jysk ўз дўконларида сотадиган текстиль маҳсулотларнинг асосий қисмини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришга ўтиши мумкин. Қарабсизки, ички ишлаб чиқариш, иш ўринлари очилади. Муҳими, бунақа танилган ширкатнинг Ўзбекистонда ишлаши, бошқа сармоядорларга ҳам бу мамлакатда энди нормал бизнес қилиш мумкин, деган сигнал бўлади ва ишончим комилки, эҳтимолий инвесторлар сонини оширмай қолмайди, дейди даниялик тадбиркор.

Манба: “Озодлик” радиоси



Қирғиз ўзбеклари – иккинчи даражали фуқаролардир

Расмий оптимизмга қарамай Қирғизистоннинг жанубий ҳудудлари миллатлараро келишувдан жуда узоқда. Ҳукуматнинг бу масаладаги сустиги натижасида этник ўзбекларни айирмачиликка учрашининг давом этиши Қирғизистонда янги низолар келиб чиқиш таҳдидини оширмоқда.

Жалолобод вилоятида унвонли миллат вакиллари деярли очикчасига кам сонли ўзбеклар ҳукуқини бузишмоқда. Бу ҳолат одатдагидай майда нарсалардан бошланади. Масалан шундай бир киши поликлиникага келади, у ердаги врачлар, ҳамширалар ва бошқа ҳодимлар – барчаси қирғизлар. Ва бу ҳолат туфайли нафақат бир сифатли даволаш хизматига, балки оддий ҳамдардликка ҳам умид қилолмайди. Кўп йиллар аввал маҳаллий бир сиёсатчи айтганидек, ўзбекларга бу ерда улар меҳмон, қирғизлар эса мезбон эканлигини дарров билдириб қўйишади.

Бу ҳолат нимада акс этади? Деярли ҳар бир қадамда кузатиш мумкин. Масалан, Жалолобод вилоятининг тиббиёт муассаларида ўзбек миллатига мансуб беморларга дори-дармонлар, уларнинг ҳақиқий баҳосидан жуда ҳам қиммат бўлган алоҳида нархларда сотилади.

Агарда беморга даволаниш лозим бўлса, у ҳолда у бепул хизматга умид қилмаса ҳам бўлади – қирғиз-врачлар бундай беморларни дарров хусусий клиникаларга жўнатиб юборишади. Бу ерларда даволанишни эса фақатгина ўзига тўқ фуқаролар чўнтагига кўтариши мумкин – ахир биргина шифохона ётоғи учун кунлик тўлов ҳақи 1000 сўмга етади, яна бундан ташқари дори-дармонлар, муолажалар ва бошқа эҳтиёжлар учун тўловлар ҳам бор.

Кўпчилик ўзбеклар, дунёдаги барча нарсани сўка-сўка ва

лаънатлаб, касаллик шундай ҳам ўтиб кетади, дея умид қилиб, ўз-ўзини даволашга мажбур бўлишади.

Халқ таълим тизимида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Вилоят ҳокимиятлари фақатгина кўз учун гўёки таълим ҳамма учун очик ва бепулдек тутишади ўзларини. Аслида эса айнан ўзбек диаспораси мактабларда она тилларида ўқиш

имкониятидан маҳрум қилинган.

Шунга қарамай, ўзбек мактабларини камайтириш ва уларни рус тилидаги таълимга кўчириш, ёки икки тиллик таълимга ўзгартириш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Малакали ўзбек ўқитувчиларига турли фанларни рус тилида ўқитишни давом эттириш таклиф қилинапти, рад қилиш ҳолатларида эса нафақага чиқишлари ёки бошқа иш қидиришлари талаб қилинмоқда.

Ўзбек ва тожик тилларидаги таълим олиш мактабларни камайтириш тарафдори сифатида кўпроқ «Республика – Ата-Журт» фракцияси лидери Омурбек Бабанов фаол чиқиш қилмоқда. У ва унинг тарафдорлари мамлакатнинг жанубий ҳудудларига сафарлари давомида миллатчилик баёнотлари қилишади, хусусан тотал қирғизлашув ва ўзбекларни барча фаолият доираларидан сиқиб чиқариш тарафини олишади.

Буларнинг барчаси XX асрнинг 30-йилларида Германиядаги яҳудийларга бўлган муносабатни эслатади. Ҳали ҳам Худога шукур, концлагер ва газ камераларига ча бормади вазият.

Аммо, агарда ўзбекларни нуфузли сиёсатчилар ҳам (Омурбек Бабанов эса президентлик лавозими учун курашдаги асосий номзодлардан бири) иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашса, бу кунларнинг келишига кўп қолдимикан?!

Гулмира Қурманбекова
Манба: dunyouzbeklari.com
Рус тилидан ЎХХ таҳририяти
таржимаси

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов